

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA XUJJATLARNI QONUN  
XUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**№-HP10547445**

**1.Loyiha turi: Shartnoma;**

**2.Loyiha nomi:**

Ijrochi "KELAJAK S" "Buyurtmachi" Yangiqo'rg'on tuman xalq ta'lim bo'limi o'rtasida 16 mln 000 ming 000 so'mlik 10-sonli umumta'lim maktabi issiqlik tizimi va kanalizatsiya ta'mirlash obektini loyixa smeta tayorlash yuzasidan shartnoma tuzish tog'risida.

**3.Loyiha ishlab chiquvchi tashkilot va vaqti:**

Yangiqo'rg'on tuman xalq ta'lim bo'limi tomonidan 2022-yil 6-iyul kuni ishlab chiqilgan va 7-iyul kuni "E-huquqshunos" dasturiga kiritilgan.

**4. Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

**Markaz bosh yuristkonsulti**



**J.Yunusov**  
*7-iyul 2022- yil*

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

06.07.2022 йил

Янгиқўрғон шаҳри

Наманган вилояти ҳудудидаги Янгиқўрғон туман Халқ таълими бўлими томонидан 2022 йил “01” июльдаги № 22110012111032 сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22- апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56- ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича **Янгиқўрғон туман Халқ таълими бўлимига қарашли 10- мактаб биноси иссиқлик тизими ва канализациясини таъмирлаш ишлари лойиха- смета ҳужжатлари тайёрлаш** (иш,хизмат) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021- йил 22- апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60- ва 61- моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “**KELAJAK-S ХК**”, **ООО “ПРОЕКТ SERVIS”** ва” **Наманган саноат лойиха“ КТХФ** томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан “**KELAJAK-S ХК**” энг мақбули деб топилди.

Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Янгиқўрғон туман ХТБ мудири

Бош ҳисобчиси



А.Қаюмов

У.Исламов

# ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ШАРТНОМА № 29

“06” июль 2022 йил

Наманган шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Янгикургон туман халқ таълими бўлими номидан Низом асосида иш юритувчи булим мудирини А.Каюмов бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган «KELAJAK-S» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи фирма директори И.Уралов иккинчи томондан, мазкур Янгикургон туман 10-сонли умумий урта таълим мактаби иссиқлик тизими ва канализацияни таъмирлаш объектини лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш шартномасини тузиб имзоладилар.

## I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. **Бажарувчи** мазкур шартнома шартларига кўра лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаб бериш (ЛСХси ва бирламчи лойиҳа олди хужжатлари билан бирга) лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш мажбуриятини олади. **Буюртмачи** эса **Бажарувчига** лойиҳа-смета хужжатларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар хисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, ишчи лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда **ККС билан 16 000 000 (Ўн олти миллион) сўмни ташкил этади**

2.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ✓ ишлар қийматини кўпайтиришга энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ✓ ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар **Буюртмачи, Бажарувчи** ўртасидаги шартномага қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

## III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича **Бажарувчи** мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ барча ишларини мазкур шартномада ҳамда унинг 1 иловасига мувофиқ лойиҳа ишларни бажариш учун смета назарда тутилган ва муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни **Буюртмачига** мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

✓ ишларни бажариш давомида **Буюртмачи** томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилиш (оператив) сўровларни ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этиш;

✓ бажарувчи томонидан объект бўйича тайёрланган (ишлаб чиқарилган) лойиҳа смета хужжатларидаги қабул қилинган лойиҳа ечимлари ва ҳисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш ҳажмларидаги йўл қўйилган хатоликлар натижасида етказилган зарарларни бажарувчи томонидан тўла қоплайди;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. **Бажарувчи** мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун **Буюртмачи** олдида тўлиқ ҳамда мулкий жавоб беради.

## IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Буюртмачи**:

✓ ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган **Бажарувчи** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **Бажарувчидан** тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ **Бажарувчининг** барча мурожаатларини 10 (ўн) кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

✓ **Бажарувчига** инвестор томонидан ажратилган маблағлари хисобидан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## V. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 30% фоизини олдиндан тулаб беради колган 70% ни бажарилган ишлар **далолатномаси имзолангандан сўнг тулов амалга оширилади.**

## VI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Бажарувчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом этдириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;  
✓ Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2 фоизи** миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **30 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак.

✓ Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан

V.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Хужжат коди: HP10547445

сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгилаган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши буйича ҳамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органилари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинмида йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни қафолатлайди.

72. Мазкур шартнома 3 нусхада тузилади ва фазначилик бўлими рўyxатидан ўтгандан сўнг кучга киради.

### IX. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

#### БУЮРТМАЧИ:

Янгиқургон туман халқ таълими бўлими  
Манзил: Янгиқургон туман Янгиқургон шаҳарчаси  
Наманган куча 14-уй Телефон: (+99869) 233-06-11  
ш/х\*: 401722860142427092100075030  
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 200119153  
ОКЭД: 84130

Фазначилик бўлими номи: Ўзбекистон  
Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилиги  
Фазна х/в.: 2340 2000 3001 0000 1010  
Тошкент шаҳри Марказий Банк ХККМ  
МФО: 00014, СТИРи: 201 122 919

Рахбар:



номов

#### БАЖАРУВЧИ:

«KELAJAK-S» ХК

Манзили: Наманган шаҳар, Б.Матраб, 32

Банк: ХАБ «Трастбанк» Наманган филиали

х/р : 2020 8000 4034 8585 2001

СТИР : 202430660

МФО: 01060, ОКЭД: 71110

Тел/факс: (+99869) 227-84-38, 227-80-74

e-mail: kelajak-s1@mail.ru



Директор:

И.Уралов

#### Ҳуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пулрат шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Ҳуқуқий маслаҳатчиси \_\_\_\_\_

« »

2022 йил

«06» июль 2022 йилдаги № 29 – сонли шартномага илова  
/ шартнома, қўшимча келишув, бўлорлма /

## ЛОЙИХА-СМЕТА ИШЛАРИ УЧУН СМЕТА

Лойиҳа-смета ишларини топшириш, лойиҳалаш босқичлари, бино, иншоот, корхона номланиши:

Янгиқургон туман 10-сонли умумий урта таълим мактаби иссиқлик тизими ва канализацияни таъмирлаш объектини лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш  
(Ишчи лойиҳа босқичи)

Лойиҳа ташкилот номи: «KELAJAK-S» ХК

Буюртмачи ташкилот номи: Янгиқургон туман халқ таълими бўлими

№ т-р	Корхона, бино ёки иш тури тавсифи	Бўлим, жадвал ва параграфга асосланиши	Қийматининг ҳисоби	Қиймати (сўм)
1	2	3	4	0
1	Янгиқургон туман 10-сонли умумий урта таълим мактаби иссиқлик тизими ва канализацияни таъмирлаш объектини лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги №396-сонли буйруғига асосан тасвиқланган Низомга асосланган ҳисоблам ишлари бажарилади.	1 000 000 000 x 0,016	16 000 000
x	Жами:	x	x	16 000 000

Смета бўйича жами: Ўн олти миллион сўм ҚҚС билан.  
(йузиндиси сўз билан)

«KELAJAK-S» ХК директори:

И.Уралов

Лойиҳа бош муҳандиси:

Б.Абдуллаев

Буюртмачи:

А.Қаюмов

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 111032 на приобретение Янгиқўрғон туманидаги 10-сонли мактаб иссиқлик тизими ва канализацияни таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.**

Способ проведения электронный

Дата 06.07.2022

Время рассмотрения 05.07.2022 15:02

Конкурсная комиссия Янгиқурғон туман халк таълими булими марказлашган бухгалтерия, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	KAYUMOV ABDURASHID ABDULBOSITOVICH	Мудир	Янгиқўрғон ХТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	ABDULLAYEV ABDUMUTAL XOLIKOVICH	гурух рахбар	халк таълими
<b>Член комиссии</b>	NASRIDDINOV SHAVKAT FAZLIDDINOVICH	Ўринбосар	Янгиқўрғон ХТБ
<b>Член комиссии</b>	SUFIJONOV SHUXRATJON RAXIMJONOVICH	курилиш ишлари буйича мухандис	халк таълими
<b>Член комиссии</b>	SULAYMANOV TURSUNALI YUSUFJANOVICH	услугчи	халк таълими
<b>Член комиссии</b>	DEDABOYEV MIRZOXID IBROXIMOVICH	Мат.хисобчи	Янгиқўрғон ХТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 06.07.2022 года № лота 111032.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Янгиқўрғон туманидаги 10-сонли мактаб иссиқлик тизими ва канализацияни таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	16 500 000.00
Стартовая сумма	16 500 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлаш иштирокчисининг охирги уч йилда (2019-2020-2021) лойиҳалаш ишлари бўйича бажарган иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: 4-Шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>KELAJAK-S XK</b>	20	20	20	Экспертная		
<b>ООО ПРОЕКТ-SERVIS</b>	20	20	17	Экспертная		
<b>НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ</b>	20	20	18	Экспертная		

Критерий №2 Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиха ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: 7-Шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>KELAJAK-S XK</b>	5	5	5	Экспертная		
<b>ООО ПРОЕКТ-SERVIS</b>	5	5	3	Экспертная		
<b>НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ</b>	5	5	4	Экспертная		

Критерий №3 Лойихачи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: 2-Шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>KELAJAK-S XK</b>	20	20	20	Экспертная		
<b>ООО ПРОЕКТ-SERVIS</b>	20	20	17	Экспертная		
<b>НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ</b>	20	20	18	Экспертная		

Критерий №4 Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, салоҳияти ( 2019-2020-2021 йиллар бўйича) тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: 3-Шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>KELAJAK-S XK</b>	20	20	20	Экспертная		
<b>ООО ПРОЕКТ-SERVIS</b>	20	20	17	Экспертная		
<b>НАМАНГАН САНОАТ</b>	20	20	18	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ЛОЙИХА КТХФ</b>						

Критерий №5 Мавжуд оргтехника (компьютер, принтер, лойиҳалаш дастурлари ) ва бошқалар рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: 6-Шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>KELAJAK-S XK</b>	20	20	20	Экспертная		
<b>ООО ПРОЕКТ-SERVIS</b>	20	20	17	Экспертная		
<b>НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ</b>	20	20	19	Экспертная		

Критерий №6 Лойиҳалаш (Курилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: 5-Шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>KELAJAK-S XK</b>	5	5	5	Экспертная		
<b>ООО ПРОЕКТ-SERVIS</b>	5	5	3	Экспертная		
<b>НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ</b>	5	5	4	Экспертная		

Критерий №7 Лойиҳачи ташкилотнинг ташкилий структураси

Тип: Текстовое значение

Описание: 1-Шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>KELAJAK-S XK</b>	5	5	5	Экспертная		
<b>ООО ПРОЕКТ-SERVIS</b>	5	5	5	Экспертная		
<b>НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ</b>	5	5	4	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>KELAJAK-S XK</b>	16 500 000.00	16 000 000.00	27.06.2022	5.00

			13:52:51	
<b>ООО ПРОЕКТ-SERVIS</b>	16 500 000.00	16 400 000.00	28.06.2022 14:54:14	4.88
<b>НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ</b>	16 500 000.00	16 450 000.00	30.06.2022 11:17:24	4.86

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>КЕЛАЖАК-S ХК</b>	95	5	100
<b>ООО ПРОЕКТ-SERVIS</b>	79.0001	4.87805	83.87815
<b>НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ</b>	85.0003	4.86322	89.86352

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 111032 от 06.07.2022 года на приобретение Янгикўрғон туманидаги 10-сонли мактаб иссиқлик тизими ва канализацияни таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. определила победителем:

КЕЛАЖАК-S ХК  
202430660

и резервный исполнитель: НАМАНГАН САНОАТ ЛОЙИХА КТХФ (204715779)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Член комиссии</b>	SUFIJONOV SHUXRATJON RAXIMJONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	DEDABOYEV MIRZOXID IBROXIMOVICH	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	KAYUMOV ABDURASHID ABDULBOSITOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SULAYMANOV TURSUNALI YUSUFJANOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП